ТАНЛОВДА МАҲАЛЛАДОШЛАР

ФАРҒОНА. Марғилонда маҳалла куни байрам тарзида нишонланди. Ўзига хос бу айёмда деярли барча маҳалла хунармандлари ўзлари яратган турли буюмлари билан иштирок этдилар. Айни пайтда маҳаллаларда амалга оширилаётган маданий-оммавий тажрибалар ўртоқлашилди. Ўзига хос кўрик якунига кўра "Йўрмадўз" маҳалласи ғолиб, деб топилди. Бу маҳалла хунармандлари байрамда 27 хил маҳсулот билан иштирок этганди.

Алишер ИБОДИНОВ.

"АКС" – ИЖОДКОРЛАР МАСКАНИ

СИРДАРЁ. "Акс" ижодий студияси фаолият кўрсата бошлади. Унга саньат галереяси директори Маматкарим Абдумўминов раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда асосан вилоятда яшаб, ижод қилаётган халқ хунармандлари, рассомлар ва бошқа маданият, саньат намояндалари ўзларининг ижод маҳсулларини бирлан иштирок этмоқдалар. "Акс"да матбуот хизмати ҳам йўлга қўйилган бўлиб, реклама, видео ва телестудиялар ташкил этилмоқда.

Фотима ЖУМАЕВА.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ВОДИЙДА ЯГОНА БЎЛАДИ

НАМАНГАН. Юрт ободлигини бозорга борган билади, деган нақл бор. Шаҳарда ўнлаб катта-кичик бозорлар мавжуд. Водийда ягона хисобланган улкан бозор курилиши бошланди. "Лола" мавзесида бунёд этилаётган бу масканга "Жахон бозори" номи берилади. Йил бошидан бери курилиш ишларига 177 миллион сўм маблағ сарфланди. Гумбазсимон, кишда иссиқ, ёзда салқин улкан павильоннинг кенглиги 18, баландлиги 8 метр бўлади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ОЙНАВАНД БИНОЛАР

БУХОРО. Қаюмий шаҳар ўзининг XXV асрлик тўйи ва Мустақилликнинг 6 йиллигига муносиб ҳозирлик кўрди. Хусусан, "Ўзагросуғурта" вилоят Инзомий кўчасидаги жамияти маъмурий биноси шаҳсадорлик давлат ҳиссадорлик фирмаси Ирландиянинг "Торсвик ПТД" фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилмоқда. Унга "Стопсоп" деярлуғчи ойналардан безак берилаётган ўзига хос манзара бермоқда. Бино атрофида фаввора, теннис корти, чойхона, меҳмонхона, дам олиш уйлари ҳам курилади.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 28 август, пайшанба № 101—102 (22.186).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1994 йил 30 август* — ***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан юбилей тангасини муомалага чиқариш тўғрисидаги хабар эълон қилинди.***

1996 йил 28 август — ***Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон —Ватаним маним» кўрик-танлови ниҳоясига етди. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида мазкур танлов ғолиблари ва қатнашчиларининг катта концерти бўлди.***

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 август куни Германиянинг федерал иқтисод вазири Гюнтер Рексродт раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Г. Рексродтнинг ушбу ташрифи тобора кенгайиб, ривожланиб бораётган Ўзбекистон—Германия муносабатларининг яна бир белгиси эканини таъкидлади.

— Шуниси қувонарлики, — деди Ислом Каримов, — Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар нафақат иқтисодий балки сиёсий соҳада ҳам равнақ топмоқда. Делегациянгиз бу ерга келиши билан икки мамлакат ишбилармонларининг йирик анжумани ўтказилди, янги меҳмонхона очилди, ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу Германияда Ўзбекистонга қизиқиш нақадар кучли эканидан дарак беради, албатта.

Гюнтер Рексродт Ўзбекистон — Германия муносабатларининг ривожига ҳисса қўшаётганидан мамнун эканини айтиб, самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Қабул маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга 27 август куни Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Кристиан Хоппе ишонч ёрлиғини топширди.

— Дания юритаётган фаол ташқи сиёсат самараси ўлароқ мамлакатингизнинг Европадаги, қолаверса жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда, — деди Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан. — Ўзбекистон билан Дания ўртасидаги тенг манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳар икки мамлакат учун бирдай аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз раҳбари Кристиан Хоппени шарафли ва масъулиятли вазифа билан табриклаб, унга муваффақият тилади.

Кристиан Хоппе Президент Ислом Каримовга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, ўз фаолияти даврида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримовга Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Умарзоқ Ўзбеков ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзбек ва қозоқ халқлари азал-азалдан қондош экани, ушбу азалий яқинлик бугунги кунда янада мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Бундан икки мамлакат халқи жуда манфаатдордир.

Қозоғистон элчиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этар экан, ўз элчилик фаолияти даврида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилажагини айтди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ишлаб чиқариш соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ёшларга таълим ва тарбия бериш борасидаги давлат ва халқ олдидаги қаҳрамона меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Мадалиева Манзура Абдуллаевна — Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Саитова Онесия Саитовна — Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғуруқхонасининг гинекология бўлими мудири

Умаров Холхўжа Мукаррамович — «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи

Қувақов Машарип — Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 август.

КУЙ ВА ҚЎШИҚ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Халқаро мусиқа фестивалининг иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг ўзига хос анъаналари, удумлари билан танишдилар. Халқ ҳунармандчилиги кўргазмасида намойиш этилаётган кулолчилик, каштачилик, зардўзлик буюмлари уларда катта таассурот қолдирди.



27 август куни эрталаб ўтказилган матбуот конференциясида иштирок этган «Шарқ тароналари» халқаро фестивали ҳайъатининг раиси Харума Кишиба хоним, анжуман бош директори, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров, «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида ўтадиган илмий-ижодий конференция раҳбари, Тошкент Давлат консерваторияси ректори Р. Юнусов ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган анжуманнинг тантанали очилиш қисми жуда мароқли бўлгани, айниқса йўлбошчимиз табриги барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирганини таъкидладилар. Шарқ мамлакатлари халқлари санъатини бирлаштирувчи бу санъат байрами ҳақиқий дўстлик, ҳамкорлик намойишига айланаётгани, ҳар бир ижрочи ўз маҳоратини намоён этиши учун барча имконият яратилганига эътибор қаратилди. Фестивалнинг бош вазифаси шарқ миллий мусиқа санъатининг етук намуналарини оммалаштириш ва тарғиб этиш, қитъа, қолаверса бутун дунё халқларининг ўзаро маданий алоқаларини фаоллаштириш ишига ҳисса қўшишдан иборат экани алоҳида қайд этилди.

Шу куни кечқурун Регистон майдони яна санъат мухлислари билан тўлди. Бу ерда «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови бошланди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали давом этмоқда.

Б. МАНСУРОВ, Ҳ. ШУКУРОВ, ЎзА мухбирлари.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси эртага, 29 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 28 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва эртага, 29 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Ватан тараққиёти» партиясининг фракцияси бугун, 28 август куни соат 11 да ушбу партия марказий кенгашининг мажлислар залида йиғилади.

Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки бугун, 28 август куни соат 12 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тўпланади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Германия ҳарбий-денгиз авиациясига қарашли транспорт самолётлари ва иккита «Торнадо» қирувчи самолётлари Калининграддаги Чкаловск аэродромига қўнди. Германия ҳарбий-денгиз авиацияси қўмондонлиги ва Россия қуролли кучлари бош штаби ўртасидаги шартномага мувофиқ немис учувчиларидан бир гуруҳи бу ерга келди. Делегацияга Германия ҳарбий-денгиз авиацияси қўмондони Вольфганг Энгельманн раҳбарлик қилмоқда.*

* * *

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев уч кунлик расмий ташриф биан Польшага келди. Польша раҳбарияти билан бўлиб ўтадиган музокаралар давомида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини ташкил этадиган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

* * *

☑ *Латвия пойтахти Ригада «Болтиқ марвариди» тўртинчи халқаро кинофестивали очилди. Танловга Франция, Германия, Польша, Литва, Украина ва Россия кинематографчилари томонидан яратилган еттита фильм қўйилган. Тахминан юз кишилик хорижий иштирокчилар орасида французлик Пьер Ришар, шведиялик Биби Андерсон, польшалик Беата Тишкевич ва бошқалар бор.*

* * *

☑ *Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов раҳбарлигидаги делегация расмий ташриф билан Германияга келди. ГФР Президенти Роман Герцог ва федераль канцлер Гельмут Коль билан музокаралар давомида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари муҳокама этилиши кутилмоқда. Қатор давлатлараро ҳужжатларга имзо чекилади.*

Партия ахбороти

СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ МАЖЛИСИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессияси билан боғлиқ масалалар кўрилди. Сиёсий ижроқўм сессия кун тартиби ва унга киритилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан партиянинг нуқтаи назарини ишлаб чиқди ҳамда ХДПнинг парламентдаги фракциясига тегишли тавсиялар берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Олий Мажлис IX сессияси олдидан

ХДП ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯСИ МАЖЛИСИ

Жорий йилнинг 27 август куни Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Олий Мажлисга Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларнинг мамлакат парламенти IX сессияси ишидаги иштироки билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Ушбу масала юзасидан маъруза қилган фракция раиси Абдулҳафиз Жалолов ҳамда сўзга чиққан депутатлар — «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Азим Суюн, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Темуров, Бухоро вилояти Қоракўл тумани касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши раиси М. Алтиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари И. Юсупов Олий Мажлис IX сессиясининг кун тартиби таркибига киритилаётган қонун, кодекс ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг мамлакатимиз ҳаёти, туб ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Муҳокамаларда, хусусан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури» лойиҳаларига катта эътибор берилди. Ушбу масалаларнинг миллий тараққиётимиз учун ўта муҳимлиги ва ўзаро боғлиқлиги маълум. Агар таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлашни яхлит занжир, деб тасаввур этсак, таълим тизими унинг етакчи ҳалқасини ташкил этади.

Депутатлар ушбу ва сессия кун тартибидан ўрин эгаллаши кўзда тутилаётган бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, улар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми тавсиясига мувофиқ, Олий Мажлис IX сессияси кун тартибини маъқуллаш ва унга киритилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан тақдим этилган лойиҳаларни, асосан, маъқуллаш ва шу билан бирга, фракциянинг улар юзасидан нуқтаи назарини қатъий ҳимоя қилиш, бунинг учун депутатларимизнинг сессиядаги муҳокамаларда фаол иштирокини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилишда 123-Тойлоқ сайлов округидан Олий Мажлисга сайланган Т. Ўрунов ўз депутатлик фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Фракция мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Бўритош Шодиева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Дилбар Ғуломова қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизда фан, маданият ва таълимни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, маърифатни тарғиб қилишга ҳамда тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Алиматов Турғун — М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси профессори

Хусанхўжаев Саид Аҳмад — Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Тошкент шаҳри.

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Иброҳимова Рихсихон Исмоиловна — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёри

Исмаилов Ҳошимжон — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси созандаси

Каримов Толибжон Рауфович — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёри

Мазаҳидова Раҳима — Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри актёри

Мамадалиев Паттохон — М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси профессори

Набиев Малик — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогик институти профессори

Шарафиддинов Озод — «Жаҳон адабиёти» журнали Бош муҳаррири

Юлдашева Муҳаббат — Й. Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри актёри

Ҳошимов Ўткир — «Шарқ юлдузи» журналининг Бош муҳаррири.

Мамлакатимизда жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтиришга катта ҳисса қўшганлиги ҳамда уларни она-Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш, энг яхши моддий ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Дуюнова Вера Илларионовна — Тошкент шаҳар 6-сон болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари махсус спорт мактаби директори.

II-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Тажимуратова Айсулиу — Нукус шаҳар 37-сонли лицей ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳайдарова Муҳаббатхон — Фарғона вилояти Қува тумани 26-ўрта мактаб ўқитувчиси

Юлдашев Рустам — Хоразм вилояти спорт қўмитаси қошидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Аминов Неъмат — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари

Атамуратов Татлимурат Жумамуротович — Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири

Ахмедов Ёқуб — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри директори

Бўронов Жамолдин Бўронович — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори

Давронов Хуршид — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси директорининг биринчи ўринбосари

Дьяченко Людмила Ивановна — Фарғона шаҳар жаҳон тиллари гимназияси ўқитувчиси

Ёқубов Ғуломиддин Ташпўлатович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Калуцкий Александр Петрович — Тошкент шаҳар 5-касб-ҳунар мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси

Караева Любовь Филипповна — Гулистон шаҳар «Қувонч» боғча-гимназия тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Матёқубов Матрасул — Хева тумани 12-мусиқа мактаби ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Мирзаев Тўра — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий номидаги адабиёт институти директори

Миркаримова Кундуз — Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Мухторов Омон Сулаймонович — «Шарқ юлдузи» журнали Бош муҳаррири ўринбосари

Муҳитдинов Мамажон — республика Олий спорт маҳорати мактаби шахмат бўйича мураббийси

Нам Владислав Радионович — Сирдарё вилояти «Таэквандо» ассоциацияси спорт устози

Пукемов Александр Тимофеевич — «Правда Востока» газетаси Бош муҳаррири

Ражабий Ҳасан Юнусович — Юнус Ражабий уй-музейи директори, Тошкент шаҳри

Сулейманов Рустам Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси археология институти бўлим бошлиғи

Сулаймонов Йўлдошали — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари

Тожиев Тўлқин Жўраевич — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёри

Файзиев Душан — «Имом аль-Бухорий» халқаро хайрия жамғармаси директори, Самарқанд вилояти

Хабилов Тоҳир Абдумаликович — «Ўзбекистон-контакт» журнали Бош муҳаррири

Хатамов Ориф — «Ўзтелерадио» компанияси мақом ансамбли хонандаси

Досмуҳамедов Хуршид Набиевич — «Ҳуррият» газетаси Бош муҳаррири

Жалилов Шуҳрат Ильҳамович — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари

Жамилова Гулчеҳра Каримовна — «Саодат» журнали Бош муҳаррири ўринбосари

Жумаев Абдуғани Жалилович — «Ёшлик» журнали фотомухбири

Ибрагимов Мирзаабдулла Тожираҳимович — Чортоқ тумани «Чортоқ ҳақиқати» газетаси муҳаррири, Наманган вилояти

Ибрагимов Рифқат Иманкаримович — «Ўзбекфильм» акциядорлик жамияти постановкачи оператори

Иванов Вячеслав Тимофеевич — «Молодёж Узбекистана» газетаси Бош муҳаррири

Калонхонов Муродхон — «Муштум» журнали Бош муҳаррири ўринбосари

Ким Алефтина Вячеславовна — Оҳангарон тумани Белинский номли 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Колосовская Яна Эдвардовна — А. Икромов тумани 199-махсус мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кольцова Альбина Кеулимжаевна — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бош мутахассиси

Красильников Николай Николаевич — «Звезда Востока» журнали Бош муҳаррири

Ли Луиза Федоровна — Зарбдор тумани «Шодлик» болалар боғчаси тарбиячиси, Жиззах вилояти

Мадалиев Охунжон Нусратович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси Фарғона бўлими хонандаси

Мадрахимов Эркин — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими масъул котиби

Маҳмудов Саидбурхон Ёқубович — Давлат илмий-техника ахбороти фонди директори ўринбосари

Маҳмудов Шуҳрат Мансурович — «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудияси режиссёри

Мелибоев Аҳмаджон — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Бош муҳаррири

Мовсесянц Ева Григорьевна — В. Успенский номидаги республика мусиқа мактаб-интернати ўқитувчиси

Муҳитдинов Башрулла Саидкаримович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори

Ниматов Рустам Қўчқорович — Жиззах индустриал техникуми директори

Обиджонов Анваржон — «Чўлпон» нашриёти директори

Раҳимова Наима Муҳитдиновна — Шайхонтоҳур тумани 456-сон болалар боғчаси мусиқа раҳбари, Тошкент шаҳри

Раҳимов Қаюм — «Қашқадарё ҳақиқати» газетаси масъул котиби

Раҳимов Ҳабибулло Ғайбуллаевич — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси котиби

Раҳманова Ойдин — Жомбой тумани 28-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Сафаров Орол Абдуманнонович — А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси

Сафаев Рўзмат — «Ўзбек-Британия» қўшма корхонаси «Растр» босмахонаси бош директори

Сейданов Қалдибек — «Нурли жол» газетаси Бош муҳаррири

Содиқова Турсуной Раҳимжоновна — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлим мудири

Тўлаков Исмоилжон — Андижон Давлат университети доценти

Тўхтаев Сайдиахрал — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўғитлар институти бўлим мудири

Тўхтаев Тўхтамиш Давлатович — «Овози тожик» газетаси бўлим мудири

Усмонов Аббосхон Салоҳитдинович — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррири

Ходжаев Шамил Турсунович — Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

Ҳожиматов Қаҳҳор Ҳожиматович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ботаника институти лаборатория мудири

Шулепина Наталия Всеволодовна — «Правда Востока» газетаси шарҳловчиси

Эрматов Баҳодир Содиқович — Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети кафедра мудири

Юнусов Темурмалик — «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси раиси

Юсупов Рафаэль Гиззатович — Тошкент шаҳар Бош рассоми

Ўтепбергенов Абдулқосим — «Амударё» журнали Бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси

Қорабоев Ўсарбек Адаҳамович — Хўжаобод тумани 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кудратова Дилором — Ўзбекистон Респбуликаси Фанлар академияси асосий кутубхонаси директори ўринбосари

Курмонов Ахрор Усмонович — «Ўзбекфильм» акциядорлик жамияти овоз оператори

Қўчқоров Усмон Сатторович — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази «Маънавият» нашриёти Бош муҳаррири

Ғаппаров Алихан — Наманган тумани 13-касб-ҳунар мактаби директори

Ҳамидов Раҳматулло — Касби тумани У. Юсупов номидаги 2-мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ҳасанов Марат — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси балет артисти

Ҳасанов Сайдивали — «Тошкент ҳақиқати» газетаси бўлим мудири

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада фан, таълим, маданият, санъат ва бошқа ижодий соҳаларни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссалари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

Абдуллаев Рустам — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ»

Муродов Малик Муродович — А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти кафедра мудири.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»

Абдуқундузов Муҳаммадали — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёри

Амиркулов Ҳусан — М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри актёри

Ёрматов Шермат — «Ўзтелерадио» компанияси «Булбулча» болалар ансамбли бадиий раҳбари

Ихтиёрова Марям — Муқимий номидаги ўзбек мусиқали театри актёри

Мўминов Қодир — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли бош балетмейстери

Пўлатова Наима Қудратовна — Муқимий номидаги ўзбек мусиқали театри актёри.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

Файзуллаев Ортиқ — Камолиддин Беҳзод номидаги Тошкент Давлат миллий рассомчилик ва дизайн институти ўқитувчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ШОИРИ»

Бойқобулов Барот Тиллаевич — «Мулоқот» журнали бош муҳаррири

Жабборов Жуманиёз — Ўзбекистон Давлат мукофотлари қўмитаси масъул котиби

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

Лутфуллаев Эсан — «Ўзтелерадио» компанияси мақом ансамбли хонандаси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Абдураҳимова Фируза Равшановна — М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси профессори

Адашев Ражаб — «Ўзбекнаво» давлат-акциядорлик компанияси «Киноактёр» театр-студияси актёри

Азизова Гулшан Ҳафизовна — А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри опера солисти

Айнақулова Мавлюда Кидирбоевна — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Алиев Иброҳим — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси «Ялла» ансамбли созандаси

Бекназаров Турғун Сайидович — Муқимий номидаги ўзбек мусиқали театри актёри

Гиясова Зуҳра Холбаевна — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси балетмейстери

Зокиров Бахтиёр Ботирович — «Ўзбекфильм» акциядорлик жамияти актёри

Икрамов Алишер Каримович — «Ўзтелерадио» компанияси эстрада-симфоник оркестри бадиий раҳбари

Ирқулова Гульбаҳор — «Ўзтелерадио» компанияси мақом ансамбли хонандаси

Каминский Михаил Давидович — «Илҳом» театри актёри, Тошкент шаҳри

Маъдиев Рустам Кароматович — Муқимий номидаги ўзбек мусиқали театри актёри

Муллахонов Азим Азизович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Овчинникова Ольга Даниловна — М. Горький номидаги рус драма театри актёри

Сапаев Аминбай Казакович — «Ўзбекистон солистлари» камер оркестри бадиий раҳбари

Саттарова Майрамой Саидовна — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Сафарова Зуҳра Шоҳусейн қизи — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси раққосаси

Солиҳов Равшан Ғафурович — Муқимий номидаги ўзбек мусиқали театри актёри

Тешабоева Муножатхон Турсунбоевна — А. Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

Тошпўлатов Ойбек Назирович — А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри балет солисти

Холбеков Раимжон Ҳамидович — Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри актёри

Эрматов Машраб Эргашевич — М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ўқитувчиси

Юсувалиев Абдураҳмон — О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Қосимбетов Омирбай Сарсенбаевич — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусиқали драма театри актёри

Ҳожиев Гайбулло Неъматович — Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри актёри

Ҳошимова Раъно — Бухоро вилоят мусиқали драма театри актёри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУНАЛИСТ»

Амиров Шавкат — Ўзбекистон радиоси «Машъал» муҳарририяти Бош муҳаррири

Даулетназаров Халила — «Еркин Қарақалпақстан» газетаси Бош муҳаррири ўринбосари

Йўлдошева Гулчеҳра Ҳусанбоевна — «Халқ сўзи» газетаси катта мухбири

Кўчимов Абдисаит — «Ўзтелерадио» компанияси раиси

Норматов Иброҳим — «Ўзтелерадио» компанияси Бош дирекцияси Бош директори

Саъдуллаев Номоз — «Иқтисод ва ҳисобот» ва «Экономика и статистика» журналлари Бош муҳаррири.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Абдураззоқов Омонилла Абдураҳмонович — М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти доценти

Абдуғофуров Абдунаби — М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси мусиқа созлари устаси

Зуннунов Даврон Ҳасанович — Ўзбекистон телевидениеси диктори

Исмоилов Арсен Файзуллаевич — М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти кафедра мудири

Комилов Низомжон — F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Бош муҳаррири ўринбосари

Конаржевский Андрей Алексеевич — «Ўзбекистон ёш истеъдодлари» камер оркестри бадиий раҳбари

Сабирова Вазира Толиповна — Тошкент вилояти «Турон» илмий универсал кутубхонаси директори

Суюнов Азимбой Олимович — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири

Тўхлиев Нурислом — «Ўзбек миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётининг Бош директори вазифасини бажарувчи

Ходжисаидова Раиса Юсуповна — Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Шайхов Ҳожиакбар Исломович — «Ёзувчи» нашриёти директори.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Нуруллаев Абат Нуруллаевич — Тахиатош шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳамроқулов Шаҳоб — Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси шахмат-шашка бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ, ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ СОҲАСИДА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан

Тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. **Тойир Болтабоев, Хуршид Назиров ва Ғайрат Камолов**га — Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейига ишланган уч қисмли маҳобатли «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» деворий тасвирий санъат асари учун.

2. **Анвар Илҳомов ва Бахтиёр Раҳмонбердиев**га — Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи гумбазидаги маҳорат билан бажарилган нақққошлик ишлари учун.

3. **Райимберди Матчонов**га — кулолчилик санъати соҳасидаги ишлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан

Мусиқа санъати соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. **Мустафо Бафоев**га — 1993—1996 йилларда яратилган «Улуғбек буржи», «Нодира», «Мозийдан нур» телевизион балетлари мусиқаси ва истиқлолни тараннум этувчи қўшиқлар туркуми учун.

2. **Анор Назаров**га — 1993—1996 йилларда яратилган истиқлол руҳи билан йўғрилган қўшиқлар ва мусиқалар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Ўзбекистоннинг мудофаа қудрати, миллий хавфсизлиги ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, қуролли кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Вильчинский Владимир Николаевич — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси катта прокурори

Садирова Заври Сайдуллаевна — Конимех туман прокурори, Навоий вилояти

Хусниддинов Фазлитдин Низамитдинович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси валюта ва экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдураҳманов Георгий Алимжанович — Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғи

Баймурадов Қурбон — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бўриев Асқар Элмуродович — Мудофаа вазирлиги алоҳида артиллерия дивизион командири

Ильясов Илимдар Мамутович — Мудофаа вазирлиги мотоўқчи қисми шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари

Махмудов Владимир Носирович — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари

Собиров Икром Кенжаевич — Мудофаа вазирлиги авиация эскадрильяси командири

Турсумбаев Каримжан Раимжанович — Ички ишлар вазирлиги нақлиёт ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Умаров Рўзибой Адашович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Николай Мамаджанович — Мудофаа вазирлиги радиотехника қисми командири ўринбосари

Хидиралиев Комилжон — Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Худайберганов Турсинхан Айдарович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Шарапов Анвар Қурбонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қосимов Ортиқбой — Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш устидан назорат бўлими бошлиғи

Ҳасанов Каримберди — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Республикада миллий хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ҳамда ҳарбий бурчини бажариш чоғида жасурлик ва матонат кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдураҳмонов Абдукаҳар Тургунович — Мудофаа вазирлиги алоқа тармоқлари бошлиғи

Азимов Тимур Сагдуллаевич — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Азимов Хўжақул Бахрамович — Ш. Рашидов тумани ички ишлар бўлими милиционери, Сирдарё вилояти

Азимов Эркин Азимович — Тошкент вилояти прокурори катта ёрдамчиси

Алимов Азимжон Эркинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Арамов Махмур Равшанович — Мудофаа вазирлиги Самарқанд шаҳар ўқув батальони командири

Ачилов Низамиддин Ахатович — Мудофаа вазирлиги мотоўқчи батальони командири

Билолов Жумабой Норматович — Фарғона вилояти божхона хизмати 8-»Ровот» божхона пости кичик инспектори

Болтаев Холмурод Дилмурадович — Мудофаа вазирлиги вертолёт қисми командир ўринбосари

Давронов Шавкат Рахмонқулович — Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси пост-патруль хизмати милиционери

Есимбетов Шамурат Палманович — Нукус шаҳар ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Жафаров Баҳодир Қамбаралиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари муддатли ҳарбий хизматчиси

Жўраев Луқмонжон Исмоилжонович — Мудофаа вазирлиги танк батальони командир ўринбосари

Жўрабоев Зайниддин — Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Камалеев Робис Имамутдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Касимов Алимжон Юлдашевич — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси қидирув бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Козибоев Норбой Қарабаевич — Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорати бўлинмаси инспектори (марҳум)

Колесников Геннадий Игоревич — Ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисм штаб бошлиғи ўринбосари

Мамадиев Баҳодир Назирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мирзараҳимов Баҳодир Юлдашевич — Мудофаа вазирлиги миллий гвардия отряди бошлиғи ўринбосари

Назаров Васлидин Насриддинович — Мудофаа вазирлиги алоқа батальони алоқа тармоғи телефон маркази бошлиғи

Назаров Фарҳод Патхиддинович — Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бошқармаси ҳарбий қисм командири

Олтиев Жалол Маматқулович — Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармаси Қарши шаҳар 1-ўт ўчириш қисми катта техниги

Сайдахматов Зухриддин Зулфикаххарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари муддатли ҳарбий хизматчиси

Ҳаққулов Собир Бахранович — Навоий шаҳар ички ишлар бўлими пост патруль хизмати бўлинмаси командири

Холиқов Нурмаҳамад Абдуллаевич — Мудофаа вазирлиги зенит-ракета батареяси командири

Холматов Анвар Асилович — Фарғона вилояти божхона хизмати 22-»Палмон» кўчма божхона пости собиқ катта инспектори

Худойбердиев Ахтам Давронович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ценер Денис Готлибович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари муддатли ҳарбий хизматчиси

Шаповалов Анатолий Иванович — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлими бошлиғи

Шодиев Адиз Ҳамроевич — Ромитон тумани ички ишлар бўлими участка инспектори, Бухоро вилояти

Эргашев Юлдаш Ахмеджанович — Фарғона шаҳар прокуратураси катта терговчиси

Юлдашев Комилжон Исматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юнусов Нумонжон Эргашбоевич — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармаси ўт ўчириш қисми катта йўриқчи ҳайдовчиси

Қосимов Баҳодир Акбарович — Вазирлар Маҳкамаси алоқа хизмати бўлими масъул ходими

Республикамизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда мудофаа қудратини юксалтиришдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдусаломов Қодиржон — Мудофаа вазирлиги молия хизмати бўлинмаси бошлиғи

Абидова Нуринисахон — Фарғона вилоят суди раиси ўринбосари

Алиева Людмила Николаевна — Бухоро вилояти хўжалик суди раиси

Аҳмедова Муҳаббат Ражабовна — Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси «Сервис-маркази»нинг бош мутахассиси

Ишметов Аминжон Жабборович — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари

Холмуродова Сония Бердираҳматовна — Чироқчи тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ижарачиси, Қашқадарё вилояти

Холмуротов Ўлмас — «Самарқандқурилиш» трести 1-сон механизациялашган кўчма колоннаси бетончилар бригадаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Холов Тилав — Коғон тумани «Бухоро» жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Холодников Юрий Матвеевич — Янгиер қурилиш материаллари ва ускуналари комбинати директори, Сирдарё вилояти

Худойназаров Усмонали — Бешариқ тумани «Яккатут» ширкатлар уюшмаси, «Яккатут» ширкати раиси, Фарғона вилояти

Хундибоев Норжигит — Мирзаобод тумани Т. Аҳмедов номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи, Сирдарё вилояти

Хусенов Исмоил — Қизилтепа тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси, Навоий вилояти

Шамсиева Иқбол Тўраевна — Оқтош шаҳар «Зирабулоқпахта» акциядорлик жамияти ишчиси, Самарқанд вилояти

Шеров Абдулла — Олот тумани деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Шеров Юсупбой — У. Юсупов тумани «Жейнов» жамоа-ширкат хўжалиги бош мироби, Қашқадарё вилояти

Ширинов Хамид Шарифович — «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси, Навоий вилояти

Шодмонова Файзихон — Норин тумани «Тошкент» жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Наманган вилояти

Шомирзаев Хонали Ниёзқулович — У. Юсупов тумани 3-деҳқончилик қурилиш бошқармаси бош муҳандиси, Қашқадарё вилояти

Эргашев Муқим Ҳасанович — Чиноз тумани «Муқимий» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Эсонов Аҳрор — Ургут тумани Ҳамза номли агрофирма бош муҳандиси, Самарқанд вилояти

Эшонқулов Журақул — Касби тумани «Ғалаба» жамоа-ширкат хўжалиги ғаллачилик бригадаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Эшонқулов Уктам — Зафаробод тумани Ҳ. Олимжон номли ижара ширкатлар бирлашмаси ширкати раиси, Жиззах вилояти

Эшонхўжаев Анваржон Акбарович — Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти «Бир сафда» журналининг бош муҳаррири, Тошкент шаҳри

Юлдашева Авадан — Хонқа тумани Ш. Рашидов номли жамоа хўжалиги ижарачиси, Хоразм вилояти

Юнусова Ўғил — Пастдарғом туманидаги «Шарқ юлдузи» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Юсупов Рустам Абдурашитович — Бахмал тумани «Тонготар» ижара ширкатлар бирлашмаси механизатори, Жиззах вилояти

Яқубов Розиқ — Қўрғонтепа тумани «Савай» қишлоқ хўжалиги саноат уюшмаси тракторчи-комбайнчиси, Андижон вилояти

Яхшибоев Зокир Жўраевич — Пахтакор тумани «Навбаҳор» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси бригадаси бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўрмонова Шоира Ғаниевна — Оҳангарон тумани «Оҳангарон» акциядорлик жамияти сут соғувчиси, Тошкент вилояти

Қаюмова Гулнора Олимжоновна — Масъулияти чекланган «Ягона имконият-бурда» жамиятининг директори, Тошкент шаҳри

Қипчақов Рафиқ Салохутдинович — Олтинкўл тумани «Ҳунарманд» масъулияти чекланган жамият раиси ўринбосари, Андижон вилояти

Қиличев Шуҳрат Файзуллаевич — Нарпай тумани «Ғалаба» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси бош агрономи, Самарқанд вилояти

Қобилов Давронбек — Сайхунобод тумани А. Темур номли жамоа хўжалиги сувчиси, Сирдарё вилояти

Қодиров Азиз Ҳамидович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учувчилар отряди командири, Тошкент шаҳри

Қодирова Туфахон — Ўзбекистон тумани Ғ. Ғулом номли очиқ турдаги акциядорлик жамияти аъзоси, Фарғона вилояти

Қодирходжаев Акромхўжа Акбархўжаевич — Тошкент тумани Г. Абдуллаев номли мулк эгалари уюшмаси бош агрономи, Тошкент вилояти

Қосимова Дилбар Юрсуновна — Охунбобоев тумани ижтимоий-таъминот бўлими ходими, Фарғона вилояти

Қосимов Ҳамидулло — Олтинкўл тумани «Туркистон» жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси, Андижон вилояти

Куддусов Маҳмуд Саломович — Сирдарё шаҳар «Мафтуна» акциядорлик жамияти раиси, Сирдарё вилояти

Кудратов Мазамқул — Гулистон тумани Ҳ. Олимжон номли деҳқон-фермер хўжалиги уюшмаси бош муҳандиси, Сирдарё вилояти

Қўлдошев Анвар Ёдгорович — Қарши тумани «Фероза» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Култоев Тиллабек Кўзиевич — Ховос тумани «Фарҳод» ширкатлар уюшмасининг бригадаси бошлиғи, Сирдарё вилояти

Курбонов Буритош — Қамаши тумани «Гагарин» жамоа-ширкат хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Курбонов Рашит — Фориш тумани, «Боғдон» ширкатлар уюшмаси 4-ширкат бош чўпони, Жиззах вилояти

Курбонов Шокир Мейлиевич — Пахтачи тумани А. Аллоёров номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ғаниев Самариддин — Паркент тумани «Бойқозон» халқ корпорацияси бош иқтисодчиси, Тошкент вилояти

Ҳайдаров Ҳайдарали Ботиралиевич — Сўх тумани газлаштириш идораси бошлиғи, Фарғона вилояти

Ҳайдарова Муяссар Норбековна — Жарқўрғон тумани «Сурхонтекстил» акциядорлик жамияти тўқувчиси, Сурхондарё вилояти

Республикада саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ ва сув хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга кўп йиллик ибратли хизматлари билан қўшган ҳиссалари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОММУНАЛ, МАИШИЙ ВА САВДО СОҲАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХОДИМ»

Қурбонов Азиз — «Туркистон» меҳмонхонаси директори, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР»

Хусенов Шойим — Ғиждувон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Бухоро вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИҚТИСОДЧИ»

Раҳимбоев Абдурашид Асилбекович — Тошкент вилояти ҳокимлиги етакчи мутахассиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Асқаралиев Адҳамжон — «Гулистонэкстрактеғ» акциядорлик жамияти аппаратчиси, Сирдарё вилояти

Жўраев Мамасодиқ — Андижон механика корхонаси электр пайвандловчиси, Андижон вилояти

Иннозаров Сирож — Каттақўрғон ёғ-мой акциядорлик жамияти аппаратчиси, Самарқанд вилояти

Клименко Николай Григорьевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъмол моллари комплекси раҳбари котибияти етакчи мутахассиси

Лелеко Анатолий Иосифович — Ўзбекистон Республикаси кўмир қазиб олиш ва сотиш акциядорлик бирлашмасининг бош директори

Тахирова Дилбар Шукуровна — «Юлдуз» тикувчилик акциядорлик жамияти тикувчи мотористи, Тошкент шаҳри

Фармонов Александр Қосимович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори

Якубов Кутлимурат — Беруний тумани «Ёғғар» акциядорлик жамияти электромонтёри, Қорақалпоғистон Республикаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Бобожонов Султонбой — Хазорасп тумани марказий касалхонаси жарроҳи, Хоразм вилояти

Бобожонова Матлубахон Камоловна — Шаҳрихон шаҳар марказий касалхонаси туғруқхонаси врач-терапевти, Андижон вилояти

Валиев Тошпулат Чориевич — Вилоят кўз касаллиги диспансери врач-офтальмологи, Сурхондарё вилояти

Вохидова Октам Толиповна — Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти марказий қўмитаси раиси

Грин Юрий Тошмуҳамедович — Самарқанд шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш қароргоҳи врач-кардиологи, Самарқанд вилояти

Каримов Расул Йўлдошевич — Вилоят кўз касаллиги диспансери врачи, Сирдарё вилояти

Мавлянов Ўткир Халимович — Вилоят марказий кўз касалхонаси бош врачи, Навоий вилояти

Назиров Феруз Ғофурович — В.Воҳидов номли жарроҳлик илмий маркази директори, Тошкент шаҳри

Разов Жусип Нажимович — Чимбой тумани марказий касалхонаси бош врачи, Қорақалпоғистон Республикаси

Саидханова Сагадат Гизатовна — 14-болалар касалхонаси ҳамшираси, Тошкент шаҳри

Сиротина Надежда Владимировна — Таббиёт санитария бирлашмасининг биринчи марказий поликлиникаси бўлим мудири

Собиров Юсуп Собирович — Вилоят силга қарши курашиш диспансери бўлим мудири, Тошкент вилояти

Соҳибова Юлдуз — Поп тумани «Мурувват» уйи директори, Наманган вилояти

Содиқова Маҳбуба Холиқовна — Коғон шаҳри марказий касалхонаси бош врачи, Бухоро вилояти

Убайдуллаев Абдулла Муҳаррамович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли физотерапия ва пульмонология илмий текшириш институти директори

Уткулбаев Берген Чаянович — Мирзачўл тумани касалхонаси врач-отоларингологи, Жиззах вилояти

Холиқов Шарофиддин Соипович — Охунбобоев тумани марказий касалхонаси жарроҳлик бўлими мудири, Фарғона вилояти

Юнусов Ҳамроқул Негбоевич — Касби тумани марказий касалхонаси жарроҳлик бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

Қурбанов Равшанбек Давлетович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кардеология илмий-текшириш институти директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

Усманов Шавкат Гадиевич — Тошкент метрополетени «Чилонзор» электродепосининг йўриқчи-ҳайдовчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»

Инамов Абдусамат — Наманган тумани «Навбаҳор» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Наманган вилояти

Қурбанбаев Аўезхан — Қорақалпоғистон Республикаси «Шоли» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори

Норбадалова Маҳкам — Косон тумани «Темирхўжа» жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Носиров Йўлдош — Оққўрғон тумани «Гулистон» жамоа хўжалиги механизатори, Тошкент вилояти

Рамазонов Эркин Носирович — Узун тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Рустамов Бозорбой — Арнасой тумани «Олтин водий» деҳқон хўжаликлари уюшмаси бригада бошлиғи, Жиззах вилояти

Сариқов Нўмоз — Касби тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Турсунов Муҳаммад — Олтиариқ тумани «Нуробод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Фарғона вилояти

Ҳамроқулов Муҳаммаджон Аҳмаджонович — Избоскан тумани «Чунгбоғиш» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Андижон вилояти

Шопулатов Тоштемир — Сайхунобод тумани «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси бригадаси бошлиғи, Сирдарё вилояти

Янгибоев Озод — Шовот тумани К. Раҳимов номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи, Хоразм вилояти

Ўроқов Иноят Маматович — Навоий тумани «Кармана» қоракўлчилик жамоа хўжалиги бош ветеринар врачи, Навоий вилояти

Ҳайдаров Муртазо Қосимович — Тойлоқ тумани «Жумабозор» ижара хўжалиги бригадаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Абдуллаев Фазилидин Юлдузович — «Ўзбектрансқурилиш»га қарашли 3-кўприк қурилиш отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

Адылходжаев Боходир Ишанович — Тошкент шаҳар бош режаси илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти директори

Аллаберганов Адамбой — Урганч тумани 285-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бригадаси бошлиғи, Хоразм вилояти

Газизов Минехам Хазипович — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмаси «Пайвандчи» акциядорлик жамияти электр пайвандчиси, Тошкент шаҳри

Йўлдошев Мидхат Муҳамеджанович — Сирғали тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

Каримов Эшқувват Усарович — Ғаллаорол тумани 62-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна акциядорлик жамияти ғишт терувчиси, Жиззах вилояти

Маҳмудов Сайфулло — «Ўзжамоаҳўжқурилиш» бирлашмаси 203-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Пўлатов Абдукарим — Навоий вилояти йўл-кўприк қуриш бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 27 август.

Олий Мажлис IX сессияси олдидан

ВАЗИФА – МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ!

Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция йиғилиши (1997 йил 27 август)даги маърузаси*

Республикамиз парламентининг IX сессияси мамлакатимизда умумий кўтаринкилик руҳи ҳукм сураётган бир вазиятда ўтаётир. Бунинг асосий сабаблари, биринчидан, миллий мустақилликнинг олти йиллигини тантанали нишонлашга қизғин ҳозирлик кўриш муҳити бўлса, иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлаганидир. Жумладан, иқтисодиёт соҳасида, мавжуд жиддий қийинчиликларни енгиб, ўтган йили барқарорликка эришилган бўлса, жорий йилнинг дастлабки олти ойида юксалиш томон бурилиш таъминланди. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июлдаги йиғилишида ишончли далил ва рақамлар билан гапирилди.

Сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар жабҳасида эришган ютуқларимиз ҳам салмоқли. 1997 йилнинг Ўзбекистонда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши ва шу борада қилинаётган турли тадбирлар ҳамда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга доир дастурнинг рўёбга чиқарилаётганлиги ижтимоий ҳимоя соҳасидаги амалий ишлардан намуналардир, холос. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби республикамиз маънавий-сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари кенгайиб, унинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бормоқда.

Ушбу ижобий омилларнинг парламент IX сессияси ишига баракали **таъсири шубҳасиз. Унинг кун тартибига киритилиши таклиф** қилинаётган 20тага яқин масалалар орасида иккита миллий дастур, учта кодекс, етита қонун ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари бор.

Фракциямиз вакиллари ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг бирламчи нусхаларини тайёрлаш, уларни дастлабки тарзда муҳокама қилиш, сессияда кўриб чиқиш даражасига етказишда бевосита иштирок этдилар. Шунингдек, партиямиз Марказий Кенгаши томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳи сессия кун тартибига қўйилиши кўзда тутилган қонунлар лойиҳалари юзасидан депутатларимиз ва маҳаллий партия ташкилотлари билдирган кўплаб қўшимча ва ўзгартиришларни ўрганиб чиқиб, 370 тадан ортиқ фикр-мулоҳаза (шундан 120 таси янги таклифлар)ни Олий Мажлис Котибиятига йўллади. Таклифларимиз рўйхати сизларга тарқатилган. Лойиҳаларнинг баъзилари хусусида ўзимизнинг нуқтаи назаримизнинг айримларини билдирмоқчимиз.

Аввалambor, **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисида.** Ушбу масаланинг мустақилликни мустаҳкамлаш, туб ислоҳотларни изчил рўёбга чиқариш, мамлакатимиз истиқболлари учун аҳамияти мамлакатимиз йўлбошчиси томонидан қатор асар ва маърузалар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тузиш республика комиссиясининг жорий йилнинг 5 июнида бўлиб ўтган йиғилишида сўзланган нуткда махсус таъкидланди.

Мазкур масалага доир миллий дастурни тузишдан асосий мақсад, бир томондан, мустақил фикр этишга қодир, замонавий мутахассисларни етиштириш бўлса, иккинчи томондан, бутун дунёда тан олинган инсон ҳуқуқларидан бири — таълим олиш, миллий ва умумбашарий илмий, маданий, маънавий қадриятлардан бахраманд бўлиш эркинлигини таъминлаш мурватларини вужудга келтиришдан иборат. Шу боис, дастурнинг тегишли жойида **мутахассисларни тайёрлаш миллий тизими ҳар бир шахс учун, унинг ўзининг мойиллигига яраша, таълим олиш ва касб ўрганиш, ўз ақлий салоҳияти ҳамда ишчанлик қобилиятини мунтазам ошириш, зарур бўлган тақдирда, касбини ўзгартириш мақсадида, қайта тайёрлашдан ўтиш имконияти ҳамда ҳуқуқини беришини** яққол акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу ҳужжатга доир яна бир таклифимиз шундан иборатки, унда, бизнингча, **давлат ва жамият мамлакатнинг ҳар бир фуқаросида, уларнинг бундан ўта ҳаётий манфаатдор бўлганликлари ҳолида, ҳозирги замон маълумоти ҳамда касб тайёргарлигига эга бўлиш, ўз билимларини, маҳоратини, кўникмаларини мунтазам равишда ошириб туришнинг доимий эҳтиёжини шакллантиришни рағбатлантирадиган моддий ва маънавий қадриятларнинг бақувват тизимини яратишга даъват этилганлар. Бу ўринда, ҳар бир кишининг маълумоти ва касбга эга бўлиб, шунга мувофиқ ва унинг асосида ишлаб, ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини, ҳеч бўлмаганда, ақалли кифоя қиладиган даражада, қондира билишини англата оладиган шароитлар аҳамиятининг лўнда қайд этилиши муҳим.**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқариш узоқ муддатга мўлжалланган, мураккаб, кўп қиррали ишдир. Шуни ҳисобга олиб, Лойиҳада **давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳарбий хизмат ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари ва бошқа соҳалар учун ҳам кадрлар тайёрлашни ҳамда тегишли махсус дастурлар**ни тузишни кўзда тутиш, ўйлаймизки, айни муддао бўлар эди.

Кадрларни тайёрлаш масаласи билан бевосита боғлиқ бўлган **«Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.** Мустақиллик туфайли тараққиётнинг самарали йўлини танлаган мамлакатимиз учун бундай қонуннинг, инсонга сув ва ҳаводек зарурлиги ҳаммага аёндир. АҚШ, Ғарбий Европадаги мутараққий давлатлар, Япония ва «Осиё йўлбарслари», деб аталувчи мамлакатларнинг иқтисодий юксалишида айни халқ таълими энг муҳим аҳамият касб этганлиги сир эмас. Зеро, фақат билимдон, замонавий техника билан тиллашадиган кишиларгина юқори унумдорлик билан меҳнат қилишга ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодирдирлар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маориф, таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга оид қатор жиддий чоралар кўрилган бўлса-да, бироқ, бу жабҳада туб ўзгаришлар юз бермади. Эски тузум шароитида шаклланган ўқув-тарбия дастур ҳамда дарсликлари, билим савияси замон талабларига жавоб бермайдиган ўқитувчи ҳамда тарбиячилар ёшларимизни мустақил фикрлашга ўргата олмадилар. **Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса, юртбошимиз таъкидлагандек, ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади.**

Таълим-тарбия тизимини замонавийлаштирмай халқ хўжалигини, жамиятни, давлатни бошқарувчи етук кадрларни тайёрлаб бўлмаслиги ҳаётий ҳақиқатдир. Шунинг учун, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиб, унинг асосида бутун таълим-тарбия ишини янгидан ташкил этишимиз замон талаби бўлиб қолди. Хўш, ҳужжатнинг муҳокама учун тақдим этилган Лойиҳаси бизни қониқтирадими? Лойиҳа устида жиддий ишланганлиги сезилиб турибди. Унинг амалдаги Қонундан асосий фарқи шундаки, у **таълимнинг жаҳон андозаларига мос тизимини вужудга келтиришга қаратилган.**

Қонун лойиҳасини асос учун қабул қилиниши мумкинлигини қайд этиб, айни пайтда, уни қиёмига етказиш мақсадида, қуйидагиларни таклиф этар эдик.

Лойиҳанинг ўқувчи ва талабалар ҳамда таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий муҳофазасига бағишланган қоидаларини, бизнингча, бирмунча кучайтириш талаб қилинади. Республикамиз ҳукуматининг бу соҳада амалга ошираётган ишлари, масалан, халқ таълими ходимларига берилган кўплаб имтиёзлар ёки шу йилнинг 20 августида қабул қилинган «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор, таҳсинга лойиқ. Давлатимизнинг ушбу соҳадаги ютуғини мустаҳкамлаш мақсадида, Қонун лойиҳасидаги таълим муассасалари ходимлари ижтимоий ҳимоясига бағишланган моддаларни **меҳнатга ҳақ тўлашда ходимларнинг касб тайёргарлиги, малакаси, илмий даражаси, илмий ёки фахрий унвони, педагогик фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш, пенсияга чиққандан кейин, педагогик фаолият давом эттирилган тақдирда, нафақаларнинг тўланишида чеклашларнинг бўлмаслиги** каби қоидалар билан тўлдиришни таклиф этардик.

Умуман олганда, таълим тизимида мутахассис кадрлар тайёрлаш билан шуғулланадиганларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва моддий аҳволи, мазкур соҳанинг жамият учун тақдириломон аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, аниқ-равшан белгиланиши ҳамда тегишли тарзда қўллаб-қувватланиши лозим. Қисқа қилиб айтганда, жамият ўзининг энг яхши кучларини айни таълим тизимида ишлашга қизиқишини рағбатлантирувчи асосларни вужудга келтириши керак. Зеро, унда бошқа ҳамма соҳалар, моҳиятан, таълим тизимида яратилган, ўзига хос, пойдевор устига қурилади.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури» лойиҳаси тўғрисида. Маълумки, юксак билим нафақат ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан белгиланади. У кишилар томонидан жамиятни бошқариш ишларида иштирок этишларининг ҳам муҳим шартидир. Бунинг учун эса сиёсий фаоллик зарур бўлиб, унинг ўзи ҳуқуқий маданият заминига қурилади. Демак, ҳуқуқий маданиятни фуқаролар ҳаёт тарзига сингиб кетишига эришмоқ лозим.

Бу улкан вазифани бажариш мамлакатимиз тараққиёти ҳозирги босқичининг долзарб талабига айланганлигидан келиб чиқиб, Олий Мажлис сессиясида муҳокама этиш учун махсус Дастур лойиҳаси таклиф қилинди. Тақдим этилган Лойиҳа қабул қилинган тақдирда, у мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади, дейишга асос мавжуд. Лекин, уни ҳам такомиллаштиришга эҳтиёж бор. Масалан, Лойиҳада фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш жараёнида демократик жамиятнинг пойдор белгиларидан бири бўлган **сиёсий партияларнинг ўз ўрни бўлмоғи шарт.** Зеро, улар «давлат-жамият-инсон» муносабатларини уйғунлаштиришда беқиёс аҳамиятга эгадирлар. Шу муносабат билан дастур лойиҳасининг тегишли бўлимида **фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш уларнинг сиёсий партиялар фаолиятида, партияларнинг депутатлик фракция ҳамда гуруҳлари орқали эса, қонун яратувчилик ишида иштирок этишлари билан боғлиқлигини** қайд қилиш даркор.

Фикримизча, Лойиҳага қуйидаги қоидани киритиш зарур: **«Мансабдор шахслар қонунларга беписанд қараб, уларга хилоф тарзда хатти-ҳаракатлар қилганликлари қайд этилган ҳолларда бундайларга нисбатан молиявий, маъмурий, ташкилий, ҳаттоки, тегишли ҳолат юз берган тақдирда, жиноий иш қўзғатилиши чораларининг муқаррар равишда кўрилиши кўзда тутилмоғи керак.**

Оддий фуқароларнинг ўз ёки ўзгаларнинг шахсий қадр-қимматлари, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишига, умуман, қонунчиликка риоя этилишига нисбатан лоқайд бўлишлари, бепарво қарашлари атрофида ахлоқий-маънавий муросасизлик кайфиятини, бундай қусур ва иллатларни қатъий қоралаш муҳитини вужудга келтиришнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини унутмаслик зарур. Зеро, чинакам демократиянинг пировард таянчи — ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган, уларнинг муҳофазасида қатъий тура оладиган ягона куч — халқдир». Ушбу таклиф қабул қилинса, қонунни бажаришда ҳам мансабдор шахслар, ҳам барча фуқароларнинг масъулиятини оширишнинг муҳим омили яратиларди.

Сессия кун тартибига киритилаётган бошқа қонун ҳамда кодекслар лойиҳалари хусусида. Биз сессия кун тартибига киритилаётган бошқа лойиҳалар юзасидан Олий Мажлис котибиятига 80 тадан зиёд таклифни етказиб бердик. Шуларни ҳисобга олиб, сессиянинг таклиф этилган кун тартибини маъқуллаб ва унга киритилиши мўлжалланаётган масалалар лойиҳаларини, асосан қўллаб-қувватлаб, улар бўйича фракциямизнинг нуқтаи назарини сессияда ҳимоя қилишга барчангизни даъват этамиз. Унда қабул қилинадиган ҳар бир қонун, кодекс ёки қарорнинг мукаммал бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

---

* Маъруза қисқача баён тарзида берилмоқда.

"ЎЗПАХТАСАНОАТСОТИШ"

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон ҳукумати ва бутун халқимизни Истиқлолимизнинг олти йиллик тўйи билан самимий табриклайди.

Мамлакатимизда кенг миқёсда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар халқимизни нурли манзилларга етказишига ишонамиз. Зеро, Инсон манфаатлари йилида амалга оширилаётган тадбирларнинг асосий мақсади ҳам шу.

Мустақиллик байрамини барча қатори пахта саноати ишчи-хизматчилари ҳам кўтаринки руҳда кутиб олишмоқда. Уларнинг нияти — давлатимиз иқтисодий қудратини янада ошириш. Келажаги буюк давлат — Ўзбекистонимиз янада обод бўлиб, гуллаб-яшнайверсин.

Ватанимиз тараққиётнинг ойдин йўлидан дадил одимлайверсин!

Жаҳон ичра ягона — Ўзбекистонимиз иқболи ҳамиша баланд бўлсин. Ана шу қутлуғ айём кунларида ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, рўзғорларига барака тилаймиз.

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

"ЎЗПАХТАСАНОАТСОТИШ" УЮШМАСИ.

ОСИЁ-ВЕСТ

OSIYO WEST

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ

«ОСИЁ – ВЕСТ»

қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбек халқини Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигининг олти йиллиги

муносабати билан қизғин ва чин дилдан самимий муборакбод этади!

Республикамизда кенг миқёсда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни астойдил қўллаб-қувватлайди.

ҚАДРДОН ЮРТДОШЛАР!

Ана шу улуғ айём кунларида сизларга соғ-саломатлик, ижодий баркамоллик, мамлакатда тинч-тотувликни таъминлашда ва оилавий бахт-саодатни мустаҳкамлашда бардамлик тилаймиз!

NATIONAL ELECTRONCS, INC., AMERICA UZBEKISTAN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МУСТАҚИЛ-ЛИГИНИНГ 6 ЙИЛЛИГИ

МУНОСАБАТИ БИЛАН БУТУН МЕҲНАТСЕВАР ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Сизнинг гўзал мамлакатингиз янада гуллаб-яшнаши, барқарорлиги ва қудратига-қудрат қўшилиши йўлида зафарлар, диёрингиз барча аҳолисига эса тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат тилаймиз.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

«БРИТИШ-АМЕРИКАН ТОБАККО»
компаниялари гуруҳининг аъзоси

ЎЗБАТ

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон халқини
қутлуғ байрам –
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллиги эълон
қилинганлигининг


6 йиллиги

билан
чин қалбдан
табриклайди.

Ана шу
йиллар ичида
республика
ўз тараққиётида катта
муваффақиятларга
эришди.

Биз
Ўзбекистоннинг
иқтисодиёти
юксалишида ўз
ҳиссамизни
қўшаётганлигимиздан
фахрланамиз.

Ўзбекистон халқига
тинчлик, бахт-
саодат, фаровонлик
ва янада тараққий
этишини тилаб
қоламиз.



ART

ART ЛТД Ко
қўшма корхонаси

ART LTD Co.
joint venture

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
"АРТ ЛТД Ко"
қўшма корхонаси жамоаси

республика ҳукуматини, дини ва дили бир
ўзбек халқини, қолаверса шу азиз юртда
яшаётган барча миллат вакилларини
Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 6 йиллиги
муносабати билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга соғлик-омонлик, узоқ умр,
бахт-саодат ёр бўлишини тилайди.

Қадрли юртдошлар!
Келинг, харидоримиз бўлинг!

Супермаркет манзили:
Тошкент шаҳри, "Фарҳод" ярмаркаси.
"Муборак опа" дўкони.
Тел: 76-60-85.



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий
авиакомпанияси барча юртдошлар ва
Ўзбекистон меҳмонларини мамлакатимиз
мустақиллигининг олти йиллиги билан
муборакбод этади.

Республика ҳукумати ва шахсан Президентнинг қўллаб-қувватлови туфайли миллий авиакомпания юксакликка парвоз этди, йўловчилар ва юк ташишлар бўйича жаҳон авиабозоридан муносиб ўрин эгаллади, Жануби-Шарқий Осиёда ва Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида энг йирик компания сифатида тан олинди. Халқаро йўналишларда янги ҳаво йўлларини очаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари»авиакомпанияси бутун жаҳонга қадимий ва янгиланаётган диёрни очмоқда, турли қитъаларда яшаётган одамлар ўртасида маданий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, ўзаро ҳамжиҳатликни қарор топтиришга кўмаклашмоқда. Жаҳонга машҳур фирмаларнинг турли русумли тайёраларига эга бўлган авиакомпания фуқаролар авиациясининг энг нуфузли авиакомпаниялари билан теппа-тенг рақобатлашмоқда.


Биз бундан буён ҳам тараққиётга, парвозлар бехатарлигини таъминлашга, жаҳон даражасидаги қулайликка эришишга интилаверамиз. Ҳар бир йўловчи тайёрамизда ўзини уйдагидек ҳис этаверсин.

Авиакомпания муқаддас диёримизда яшаётган
барча кишиларга сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат ва равнақ тилайди.

Авиареклама

НАСОС УСКУНАЛАРИ
ишлаб чиқарувчи ва таъмирловчи
"ФАРҲОД – ОБИ ҲАЁТ АТД"
корхонаси жамоаси

республика ҳукумати ва
бутун ўзбек халқини буюк
байрам муносабати билан
табриклайди.
Улуғ юртнинг улуғ ишлари
ривож топаверсин!



Корхона

ЭЦВ 5-6, 3-80 (CVHU—0315),
ЭЦВ 6-10-80 (CVHU—0410),
ЭЦВ 8-40-100 (CVBU—0710),
ЭЦВ 10-25-65 (CVRU—0904)

туридаги насосларни кафолат
хизмати билан корхона нархларида

НАВБАТДАГИ СОТУВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Манзилимиз: 702050.
Тошкент вилояти, Зангиота тумани. (маркази),
Н. Хожибоев кўчаси, 1а
(Тошкент ҳалқа йўли ёқасида).

Телефонлар:
(3712)
116-09-04.
72-39-52.
(297)
5-34-38.

БАЙРАМ НАФАСИ

Тобора яқинлашаётган мустақиллик айёми республикамиз бўйлаб кенг миқёсда кутиб олинмоқда. Турли тадбирлар, ижодий учрашувлар, кўргазмалар уюштирилмоқда.

Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида бу қутлуғ кунга бағишлаб ўтказилаётган кечалар, турли маданий ва маърифий тадбирлар ҳам шулар жумласидандир.

Айниқса, туман маданият уйига қарашли бадиий даста раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Самияхон Эргашеванинг ўз дастаси билан ижро этаётган қўшиқлари туман аҳолисида катта таассуротлар уйғотиб, қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Ўткир ПЎЛАТОВ.



Мустақиллик айёми билан самимий
муборакбод этишдан мамнунмиз!
Барчага шоду хуррамлик,
хуш кайфият тилаймиз.

"ЎЗМЕТАЛЛСАВДО"

Очиқ турдаги акционерлик жамияти
АКЦИОНЕРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ 1997 йил 12 сентябрь куни соат 14⁰⁰да Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 136-уйда ўтказилишини маълум қилади.
МАЖЛИСДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН АКЦИОНЕРЛАР РЎЙХАТИ 1997 йил 30 июлда тузилган.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Ўзметаллсавдо" акционерлик жамиятининг 1997 йил биринчи ярим йиллигидаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ва ярим йиллик натижалари бўйича оралиқ дивидендлар тўловлари.
2. "Ўзметаллсавдо" акционерлик жамиятининг 1997 йил учун аудиторини тасдиқлаш.
3. "Ўзметаллсавдо" акционерлик жамиятининг Кузатув Кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.
4. "Ўзметаллсавдо" акционерлик жамияти Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.
5. Турли масалалар.

Акционерлар ахборот (материаллар) билан Кузатув Кенгаши Раисидан ёки конференция бошланиши олдидан танишишлари мумкин.

Акционерларнинг вакиллари соат 13⁰⁰ дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

Акционерлар вакилларида шахсни тасдиқловчи гувоҳнома ва овоз бериш учун берилган ишончнома бўлиши лозим.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ЎЗДОНМАҲСУЛОТ

Давлат ҳиссадорлик корпорацияси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва бутун ўзбек халқини буюк ҳуррият байрами — Истиқлолимизнинг шонли олти йиллиги билан қутлайди! Истиқлол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон Республикаси қисқа фурсатлар ичида жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олди.

Мамлакатимиздаги барқарорлик, тинчлик ва осойишталик туфайли иқтисодиётимиз, халқимизнинг фаровонлиги йилдан йилга ошиб бормоқда.




Айниқса, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Деҳқонларимиз мўл-кўл ғалла ҳосили етиштириб, давлат хирмонига топшираётирлар.

Биз қайта ишловчилар эса, ўз навбатида ана шу ҳосилдан сифатли ун, нон ва бошқа маҳсулотлар тайёрламоқдамиз.

Айни пайтда кўплаб янги корхоналар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Қатор қўшма корхоналар ҳам ишлаб турибди. Элимиз дастурхонига ҳар куни минглаб тонна бўрсилдоқ нон ва нон маҳсулотлари етказиб берганимизда ўзимизни бахтиёр ҳис қиламиз.

Мустақил мамлакатимиз халқини улуғ байрам билан табриклар эканмиз, юртимизнинг ҳар бир фуқаросини хотиржам қилиб айтамизки, истиқлол Ватанимизда ун ва нон маҳсулотлари сероб бўлади. Бунинг учун биз доим камарбастамиз. Ниятимиз шуки, юртимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик, осойишталик ва фаровонлик бўлсин!



"Ўздонмаҳсулот" Давлат ҳиссадорлик корпорацияси жамоаси.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи А. ОМОНБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 04.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА